Куч — адолатда

2010 йил,
11 февраль,
пайшанба
№ 6 (260)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | E-mail: kuch-adolatda@mail.ru | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Навқирон авлод — жамиятнинг ҳал қилувчи кучи

Мамлакатимизда униб-ўсиб келаётган фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши, замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини эгаллаши, ўз қобилият ва имкониятларини, кучқувватини намоён этиши учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш, бир сўз билан айтганда, навқирон авлодни биз қураётган янги жамиятнинг ҳал қилувчи кучига айлантириш вазифаси қўйилган ва бу амалда самарали ҳал этилмоқда.

Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, **биз яшаётган XXI аср — интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса — бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар.**

Ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий база тубдан такомиллаштирилди. Ана шу қонун ҳужжатларида болаларни туғилганидан то вояга етгунча бўлган даврда ҳар томонлама ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор берилган.

Давлатимиз раҳбарининг ҳуқуқий демократик давлат қурилиши, қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолат қарор топишини таъминлаш, маънавий ва маданий ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилаш, амалга оширилаётган ислоҳотларни янги мазмун билан бойитиш, аҳолининг ҳуқуқий билими ва онгини юксалтириш, сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва жамоатчилик фикрини ўрганиш борасидаги ишларни янада яхшилаш мақсадида қабул қилинган **«Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»**ги Фармони бу борадаги вазифаларни белгилашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу Фармонда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш юзасидан олиб борилаётган ишлар — давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири эканлиги қайд этилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий судида умумий юрисдикция судларининг 2009 йилда одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти ҳамда келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда асосий эътибор давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида суд тизими олдига қўйилган вазифаларнинг ижросига қаратилди.

Олий суд Раёсати йиғилиши

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б.Мустафаев бошқарган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ўз самараларини бераётгани таъкидланди. Тизимда амалга оширилаётган ишлар фуқароларнинг қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Жумладан, ўтган йили фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 256 мингга яқин фуқаролик ишлари, 806 мингдан зиёд суд буйруғи чиқариш тўғрисидаги аризалар кўриб чиқилди. Фуқаролик ишларининг 85,0 фоизи бўйича ҳал қилув қарорлари чиқарилди, шундан 95,4 фоиз иш бўйича даъво қаноатлантирилди. Таъкидлаш керакки, судлар фаолиятида асосий эътибор – қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш жараёнида қабул қилинган қонунларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилмоқда.

Жиноят қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар амалиётда ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, ярашув институтини қўллаш натижасида 15 минг нафардан ортиқ, мазкур институт амалиётга жорий қилинганидан буён ўтган вақт мобайнида эса 95 мингга яқин шахс жиноий жавобгарликдан озод этилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Munosabat

Ислоҳотлар инсон манфаатларига хизмат қилади

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида барча соҳаларда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётир. Ўтган 2009 йилда бу борада Президентимиз Ислом Каримовнинг бевосита раҳбарлигида амалга оширилган ишлар, хусусан Инқирозга қарши чоралар дастурининг ишлаб чиқилиб ҳаётга татбиқ этилгани эътиборга лойиқ иш бўлди. Айни ҳолатда жаҳон ҳамжамияти ҳам ижобий баҳо бераётгани миллий тараққиёт йўлимизнинг нақадар тўғри ва собитқадамлигидан далолатдир.

Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисларида қилган маърузаларида бу борада амалга оширилган ишлар таҳлил этилиб, келгусидаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари мамлакатимиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этган сиёсий воқеалар, юртимиз парламенти, суд-ҳуқуқ соҳаси, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тузилмалар фаолиятига алоҳида тўхталгани бежиз эмас.

(Давоми иккинчи бетда)

Xabar

Қонун устуворлигини таъминлаш йўлида

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органларининг фаолиятида қонунга риоя этилишини таъминлаш билан боғлиқ ишларни янада такомиллаштириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида бўлиб ўтган йиғилиш давлатимиз раҳбари томонидан суд органлари ходимлари олдига қўйилган вазифалар ва уларнинг ижросига бағишланди.

Йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, суд ҳокимиятининг амалдаги мустақиллигини таъминлаш бўйича кенг миқёсли ишлар амалга оширилгани алоҳида қайд этилди. Бу борада қабул қилинган қонунлар асосида суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар янада чуқурлаштирилди.

Жиноий жазо тизимини либераллаштириш, амалда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш жараёнларига катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, адвокатура институти ислоҳ этилди. Суд қарорларини ижро этиш тизими, прокуратура фаолияти такомиллаштирилди.

Бу каби чора-тадбирларнинг амалий ифодаси суд-ҳуқуқ тизимида, хусусан, суд органларида хизмат қилаётган ходимларнинг масъулиятига ҳам боғлиқ. Зеро, уларнинг фаолияти фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши, бошқача айтганда, жамиятда қонун устуворлиги тамойили тўла амалга ошишига хизмат қилади. Тадбирда бу борада суд органлари олдида турган вазифалар, соҳани янада такомиллаштириш борасида эътибор қаратиш зарур бўлган жиҳатлар хусусида фикрлашилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг ўринбосари М.Ражабова сўзга чиқди.

Н.АБДУРАИМОВА

14-fevral — Zahiriddin Muhammad Bobur tug'ilgan kun

Довруғи дунё кезаётган сиймо

Истеъдодли ижодкорларимиздан бири миллат тарихида ўтган буюк инсонларни шу миллатнинг, шу халқнинг суянган тоғлари, деб таъриф этган эди. Бу эътироф замирида ўзига хос маъно мужассам. Чунки ҳар бир миллатнинг умуминсоният эҳтиромига сазовор бўлишида шу эл бағрида камолга етган улуғ алломаларнинг алоҳида ўрни бор.

Улуғ шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур халқимизнинг ана шундай буюк фарзандларидан биридир. Ўзбек мумтоз адабиётининг нодир саҳифаларини ташкил этувчи Бобур шеърияти, мана, неча асрки, теран маъноси билан бизни сеҳрлаб, ўзига ошуфта этиб келмоқда.

Бобур ғазаллари асосида яратилган қўшиқлар мусиқа санъатимизнинг хазинасига муносиб улуш бўлиб қўшилмоқда ва маънавий тафаккуримизни бойитишга хизмат қилмоқда.

«Бобурнома» асари эса ўз даври манзараларини саҳифаларида акс эттирган буюк бир ёзма обида сифатида умуминсоният маданияти хазинасидан шарафли ўрин эгаллади.

(Давоми тўртинчи бетда)

Qonun ko'magi

Хорижий инвестициялар

ва улар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқлари — ҳимояда

Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожида хорижий инвестицияларнинг алоҳида ўрни бор. Шу сабабли хорижий инвестицияларни юртимизга жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинаётир. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 майдаги «Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Кези келганда шуни таъкидлаш керакки, мазкур қарорга биноан адлия идоралари зиммасига хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш вазифаси юклатилди. Айни пайтда ушбу муҳим вазифанинг ижросини таъминлаш мақсадида Адлия вазирлигида ташкил этилган бошқарма ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида, Тошкент шаҳри ва вилоят адлия бошқармаларида ташкил этилган ҳудудий бўлимлар самарали фаолият юритиб келмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Меҳр-муҳаббат, тотувлик асосида қурилган оила пойдевори мустаҳкам бўлади, ҳаётнинг турли-туман синовларига ҳам бардош беради. Соғлом муҳит қарор топган, ўзаро ҳурматга асосланган оилада маънан юксак фарзандлар вояга етади. Табиийки, бунда ота-онанинг ўрни беқиёсдир.

Burch va majburiyat

Ота-оналик — масъулияти

Ота-она бўлиш инсонга берилган энг катта неъматлардан биридир, десак, асло муболаға бўлмайди. Зеро, фарзанд — инсоннинг бу дунёда қоладиган изи, ишларининг давомчисидир. Бу ҳақиқатни чуқур англаган ҳар бир киши зиммасидаги ота-оналик мажбуриятини тўлиқ адо этиб, бутун диққат эътиборини фарзандларининг хушахлоқ, фозил, оқил бўлиб вояга етишига қаратади. Бироқ ҳаётда ота-оналик номига доғ тушираётган, оқибатда қонунга асосан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилаётган кимсалар ҳам йўқ эмас.

Шу ўринда «Ота ёки оналик ҳуқуқидан қандай ҳолларда маҳрум этилади?» — деган табиий савол туғилади.

(Давоми учинчи бетда)

Ушбу сонда:

Қарз шартномаси 3

Ёлғон ваъда 3

Амир Темур гўрини 4

Олий суд Раёсати йиғилиши

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланганлиги сабабли 15 минг нафардан зиёд шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди.

Йиғилишда судья ва суд ходимларининг масъулиятини, касб маҳорати ва малакасини янада ошириш борасидаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. Одил судловни амалга ошириш, адолатни қарор топтиришда қонуний ва адолатли суд қарорларининг қабул қилиниши суд ҳокимиятининг обрў-эътиборини юксалтирадиган, аҳолининг унга бўлган ишончини мустаҳкамлайдиган муҳим омил эканлиги алоҳида таъкидланди.

Амалга оширилган ишлар билан бир қаторда йўл қўйилган камчиликлар эътироф этилиб, суд органлари фаолиятига танқидий баҳо берилди. Камчиликларга йўл қўйган судьяларга интизомий жазо чоралари кўрилиб, келгусида ушбу ҳолатларни бартараф этишга қаратилган вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, раёсат йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) билан суд органлари ҳамкорлиги масаласи ҳам таҳлил этилди. Фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муштарак мақсадга эга ушбу тузилмаларнинг биргаликдаги фаолияти соҳага оид ишлар самарасини ошириши шубҳасиз.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С. Рашидова иштирок этди.

Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Qonun ko`magi

Хорижий инвестициялар

ва улар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқлари — ҳимояда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ўтган йил давомида адлия идораларига хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналардан 501 та мурожаат келиб тушди ва шулардан 367 таси қаноатлантирилди, 102 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилди.

Масалан, Тошкент шаҳри адлия бошқармаси томонидан «EMAN» қўшма корхонасининг мурожаати ўрганиб чиқилиб, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳри судига қонуний кучга кирган ҳукмни қисман бекор қилиш ва жиноят ишлари бўйича Яккасарой тумани судининг 2009 йил 24 июлдаги ҳукмини ўзгартириш юзасидан жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳри суди Раёсатига протест киритиш масаласини кўриб чиқиш ҳақида таклиф берилди. Ушбу таклиф қаноатлантирилиб, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳри суди раиси томонидан суд раёсатига протест киритилди.

Суд мазкур протестни кўриб чиқиб қаноатлантирди ва Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Гулистон кўчаси, 17ᵃ-уйда жойлашган савдо дўконини қонуний эгаси — «EMAN» қўшма корхонасига қайтариш ҳақида қарор қабул қилди.

Мурожаатларни кўриб чиқиш натижасида тегишли вазирликлар, назорат қилувчи идораларга, шунингдек, маҳаллий ҳокимликларга қонунбузилишлари ва уларнинг сабабларини бартараф этиш ҳақида 321 та тақдимнома, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқларини бузаётган идоралар қарорларини тўхтатиб қўйиш тўғрисида 193 та кўрсатма киритилди. Бундан ташқари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқларини бузган 658 нафар мансабдор шахс огоҳлантирилди.

Масалан, Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси томонидан «Азвест-Экспресс» қўшма корхонасининг таъсисчи мурожаати ўрганиб чиқилди. Маълум бўлишича, ушбу корхонага тегишли бўлган айрим бинолар Шўрчи тумани ҳокимлиги томонидан **«Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»**ги қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 июлдаги қарори билан тасдиқланган **«Давлат мулки бўлган объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартиби тўғрисида»**ги Низом талабларига зид равишда «Сирена-Рубин» хусусий фирмасига ўтказиб юборилган.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан киритилган тақдимномага мувофиқ, Шўрчи тумани ҳокимлигининг 310-сонли ноқонуний қарори бекор қилинди.

Адлия идоралари томонидан 2009 йил давомида хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг манфаатларини кўзлаб судларга 9,9 млрд. сўмлик 1.335 та даъво аризаси киритилди. Жумладан, Фарғона вилояти адлия бошқармасига «Kaz Sho'rsu Kon» қўшма корхонаси Андижон вилояти Ўсимликларни ҳимоя қилиш марказидан шартнома шартларига асосан 56.824.015 сўм ундирилишида амалий ёрдам беришни сўраб мурожаат қилган. Ушбу аризага биноан Андижон вилояти хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Хўжалик судининг ҳал қилув қарорига кўра, Андижон вилояти Ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази ҳисобидан 37.882.677 сўм асосий қарз, 9.470.066 сўм пеня ундирилиши белгиланди.

Шунингдек, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар тегишли ҳуқуқий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш мақсадида барча ҳудудий бўлимларда ташкил этилган «Ишонч телефони» мунтазам равишда ишлаб турибди. Унга ўтган йил давомида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналардан 239 марта мурожаат қилинган бўлиб, шундан 105 таси асосли бўлганлиги учун қаноатлантирилган, 132 тасига эса ҳуқуқий тушунтириш берилган.

Шу билан бирга, адлия идоралари томонидан фаолияти тўхтаган корхоналарга ҳам эътибор берилмоқда. Зарур ҳолларда корхоналардаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва уларнинг фаолиятини тиклаш чоралари кўрилаётир. Масалан, ўтган йилда 12 та хорижий инвестиция иштирокидаги корхонанинг фаолиятини тиклаш чоралари кўрилди. Хусусан, Андижон вилояти адлия бошқармасининг «Ишонч телефони»га «Инком Тарандубитель» корхонаси мурожаат этган. Маълум бўлишича, хорижий корхона тасарруфида тикув цехи учун бино ва ер бўлмаганлиги сабабли фаолият юритмаётган экан. Вилоят адлия бошқармаси билан Хонобод шаҳри ҳокимлиги ҳамкорлигида хорижий корхонага бино ва ер ажратилиб, унинг фаолияти йўлга қўйилди.

Бир сўз билан айтганда, республикамизда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратилгани уларнинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги салмоғи ошишига хизмат қилмоқда.

Фозил ФАРИКОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

Munosabat

Ислоҳотлар инсон манфаатларига хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Сайлов — мамлакат келажагига дахлдор сиёсий жараён бўлиб, унда халқ ўзининг энг муносиб вакилларига — номзодларга овоз беради. Парламентнинг тўлақонли фаолияти эса мамлакат равнақини таъминлайди. Бошқача айтганда, барча соҳаларга оид ҳар томонлама мукаммал қонунларнинг яратилиши ва қабул қилиниши тараққиёт механизмини ҳаракатга келтиради. Суд-ҳуқуқ соҳаси эса фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдек масъулиятли вазифани адо этади. Ижтимоий тузилмалар, жумладан, оммавий ахборот воситалари, маҳалла институти ривожи ва самарали фаолияти эса жамият тараққиётига хизмат қилади.

Энди бевосита 2009 йил 27 декабрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловларга тўхталадиган бўлсак, уни халқимиз кўтаринки рухда ўтказди. Бу, албатта, иқтисодий мустақиллигимиз, халқимизнинг тинч ва фаровон турмуши натижаси, десак, асло муболаға бўлмайди.

Сайловчиларимиз овоз бериш пайтида умумий фаоллик кўрсатди. Уларга очиқлик ва ошкоралик, миллий ва халқаро қонунчилик меъёрлари ва талабларига риоя қилган ҳолда овоз бериш шароити тўлиқ таъминлаб берилди. Бу жамиятимизнинг ўтган давр мобайнида демократик ўзгаришлар, ҳар қайси фуқаронинг танлаш эркинлигини таъминлаш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида том маънода қандай улкан қадамлар қўйганини яна бир бор тасдиқлади. Шу билан бирга сайловларда аҳолининг юксак ижтимоий-сиёсий маданияти, сиёсий ва фуқаролик онг даражаси тобора ўсиб бораётгани намоён бўлди.

Қонунчилик палатасига 30 фоизга яқин, маҳаллий кенгашларга эса тахминан 20 фоиздан кўпроқ депутатлар сайловнинг такрорий босқичидан — иккинчи турдан ўтишга мажбур бўлганларининг ўзи — ушбу сайловларимиз нақадар демократик рухда ўтганини кўрсатиб турибди.

Бу галги сайлов жараёнида мавжуд сиёсий партияларимизнинг ҳар томонлама фаоллиги ҳам яққол кўзга ташланди. Бу уларнинг ўтган давр мобайнида етарлича тажриба тўплаб, тобора мукаммаллик касб этаётганидан далолат беради. Эътиборлиси, айни шу омил парламентимиз фаолиятининг янада такомиллашувига замин яратиши шубҳасиз.

Шу ўринда 2004 йилда шакллантирилган икки палатали парламентимизнинг фаолияти самарали якунланганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Соҳага оид қонунчиликнинг яратилгани ва такомиллаштириб борилаётгани, икки палата ўртасида соғлом рақобат муҳитининг яратилгани фаолият самарадорлигини таъминламоқда. Тўғри, дастлабки йилларда тушунмовчилик, амбиция кайфияти каби ҳолатлар ҳам кузатилди. Лекин кейинчалик бу аста-секин барҳам топиб, бутун куч ва ғайратимиз ҳар томонлама мукаммал қонунлар яратишга қаратилди ва ишимиз сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди.

Аммо шунга қарамай, бу борада камчилик ва нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Қонун ижодкорлиги жараёнида барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш эндиги фаолиятимизда асосий мезон бўлмоғи зарур, деб ўйлайман. Чунки бу ўта мураккаб жараён бўлиб, қонунни ҳеч қачон бир киши ёза олмайди. Керак бўлса, бир қонунни яратиш учун шу соҳанинг кўплаб мутахассислари фикрига таяниш, жамоатчилик муносабатини ўрганиш лозим. Қолаверса, битта қонун яратилдими, унинг амалда ишлаш механизмини ҳам биз эътибордан четда қолдирмаслигимиз керак. Шунда қабул қилаётган қонунларимиз ҳаётда ўзининг тўлиқ ифодасини топади. Қонунларнинг ҳаётий ифодаси суд-ҳуқуқ соҳаси билан ҳам бевосита боғлиқ. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, агарки, **биз иқтисодий ва социал соҳани ислоҳ этиш жараёнларини ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини мунтазам янгилаб бориш жараёнлари билан ўзаро аниқ ва чуқур, узвий боғлиқ ҳолда амалга оширишни таъминламас эканмиз, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида белгилаб олган юксак марраларимизга эриша олмаймиз**.

Бу мазкур соҳанинг халқ ҳаёти, мамлакат равнақида қанчалик катта аҳамият касб этишини билдиради. Шунинг ўзиёқ суд-ҳуқуқ соҳасида меҳнат қилаётган ходимлар зиммасида қанчалик улкан масъулият борлигини ҳам англатади. Шу ўринда суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, суд ҳокимиятининг амалдаги мустақиллигини таъминлаш бўйича мамлакатимизда кенг миқёсли ишлар изчил давом эттирилаётганини таъкидлаш лозим.

Бу борада ўтган беш йил мобайнида қабул қилинган 58 та қонунга мувофиқ, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар янада чуқурлаштирилди. Шуни таъкидлаш керакки, парламентимиз суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, суд ҳокимиятининг амалдаги мустақиллигини таъминлаш бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган кенг миқёсли ишларга ҳам салмоқли ҳисса қўшди.

Эндиликда ҳуқуқни қўллаш амалиётида, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органларининг фаолиятида фақат ва фақат қонунга риоя этилишини таъминлаш билан боғлиқ ишларни такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Соҳа вакиллари бунинг моҳиятини чуқур англаган ҳолда ўз фаолиятларига шу нуқтаи назардан ёндашиши мақсадга мувофиқдир. Бу жамиятда қонун устуворлиги тамойилининг амалда тўлиқ рўёбга чиқиши, барпо этаётган ҳуқуқий давлатни шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Бугун бизнинг олдимизга қўйилаётган бу каби вазифаларнинг тўлақонли адо этилиши — мамлакатимизнинг жаҳонда янада юқорироқ поғонани эгаллаши, муҳими, халқимиз ҳаётининг янада фаровонлашувига хизмат қилади. Шунинг учун ҳам бу борада нафақат янгидан шакллантирилган парламент, балки барча соҳа ва тармоқ вакиллари, хусусан, суд-ҳуқуқ соҳаси ходимлари қўлни-қўлга бериб, ҳамкорлик, ҳамжиҳатликда фаолият юритсак, ўйлайманки, мақсадимизга, албатта, эришамиз.

Мавжуда РАЖАБОВА,
юридик фанлари доктори

2010-yil — Barkamol avlod yili

Навқирон авлод — жамиятнинг ҳал қилувчи кучи



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу билан бирга, мамлакатимизда ҳуқуқий давлат қуриш йўлида олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотлар ва бу борада қабул қилинган қонунлар моҳиятини аҳолининг чуқур англаб етишига ҳар томонлама кўмаклашиш — давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, ўқув юртлари ҳамда ҳуқуқшунос олимларнинг энг долзарб вазифаси эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Фармон ижросини таъминлашга қаратилган Олий Мажлиснинг 1997 йил 29 августдаги қарори билан тасдиқланган **"Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури"**да таъкидланганидек, юксак ҳуқуқий маданият демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуклигининг ифодасидир. Қонунни ҳурмат қилиш ҳуқуқий жамиятнинг, сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар самарали фаолият кўрсатишининг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

Миллий дастур асосида аҳолининг юксак даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлиши ҳамда ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг кенг қамровли тизими яратилди. Бу жараёнда ёшларнинг қалбига болалик пайтидан бошлаб Ватанга муҳаббат, садоқат туйғулари билан ҳамоҳанг равишда одоб-ахлоқ, қонун-қоидалар ҳақидаги илк тасаввур ва тушунчаларнинг сингдириб борилаётгани уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига замин яратмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, барча ўқув юртларида, мактабгача тарбия муассасалари ва мактабларда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва ҳуқуқ ҳақида ўқувчиларга атрофлича тушунча бериш, ҳуқуққа оид фанлардан имтиҳонлар жорий этиш, адлия, суд, прокуратура, ички ишлар идораларининг иш тажрибаси юзасидан учрашув ва мулоқотлар ташкил этиш ҳуқуқий онгни ривожлантиришнинг муҳим омилларидан ҳисобланади. Бу борада Наманган вилояти адлия бошқармаси томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган 2009 йил мобайнида кўплаб ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилди. Бу сингари тадбирлар ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари, одоб-ахлоқимизга зид хатти-ҳаракатларнинг олдини олишда ҳамда уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантиришда ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Хулоса қилиб айтганда, қонунни ҳурмат қилиш ва унга итоат этиш ҳуқуқий маданиятнинг асосий белгисидир. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишдан кўзланган мақсад ҳам улар томонидан қонун талабларини онгли равишда бажаришларига эришишдир.

Жамшид НУРИДДИНОВ,
ҳуқуқшунос

Яқинда жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти судида ўғирлик ва талончилик билан шуғулланиб келган жиноий тўданинг қилмишларига қонуний баҳо берилди. Нопок йўл билан мўмай даромад топиш илинжида содир этилган қора қилмишларга охир-оқибат якун ясалди.

Мазкур жиноий тўдага бош-қош бўлган наманганлик Хайрулло Ҳакимов жиноят оламининг «сир-асрор»ларини сув қилиб ичиб юборган экан. Тоғни урса талқон қилгудек ёшдаги бу кимса ҳалол меҳнат қилишни истамай, ўғирлик, талончилик йўлини танлади.

Qonun — barchaga barobar

Бировнинг ҳақи

Ўзининг йўлдан озгани етмагандек, у баъзида дўқ-пўписа, гоҳида макр-ҳийла билан бошқаларни ҳам жиноятига жалб этди. Чунки нопок мақсадини амалга ошириш учун унга кўмакчи зарур эди. Шундай қилиб, Хайрулло ўзига ҳамтовоқ излай бошлади. «Кўр кўрни қоронғида топади» деганларидек, Хайруллонинг жиноий тўдасига Алимардон Эргашев, Рафиқ Ҳайдаров, Музаффар Холбоев, Музаффар Эргашев, Муҳиддин Матиев, Толибжон Эгамбердиев, Маъруф Имомов, Ботирали Солиев, Фатҳиддин Салимовлар қўшилди.

Хайрулло барчани бир ерга тўплагач, муддаосини айтди. Аммо «режа»ни бажаришдан олдин ўйланиб қолишди. Уларнинг орасида бир неча марта судланиб чиққанлари ҳам бор бўлиб, табиийки, жиноят изига тушган ҳуқуқ-тартибот идоралари биринчи навбатда улардан шубҳаланади. Шу боис ўзини устаси фаранг деб билган Хайрулло ҳеч ким танимайдиган жой — Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида «ов»га чиқишга аҳд қилди.

Хоразмга етиб келганларидан сўнг, келишилганидек, уч гуруҳга бўлинишди: Ф.Салимов, М.Матиев ва М.Холбоевдан иборат биринчи гуруҳга пул жойланган автомашиналарни аниқлаш, у ҳақдаги маълумотларни йиғиш, машина эгаларини кузатиш буюрилди. Бундай ўлжаларни бозорлар атрофида учратиш мумкин. Шу сабабли ҳам жиноий гуруҳ асосан бозорлар атрофида изғиб юришди. Уларнинг вазифаси пул жойланган машинани аниқлаб, иккинчи гуруҳга хабар бериш ва шериклари ишни битиргунигача атрофни кузатишдан иборат эди. А.Эргашев ва М.Имомов эса машина қулфини очиши керак эди. Бунинг учун улар машина эшигини очишга мўлжалланган махсус мосламалар билан қуролланишади. Т. Эгамбердиев, М.Эргашев ва Б.Солиевдан иборат учинчи гуруҳ эса ўғирланган молларни ва ҳамтовоқларини машиналарда хавфсиз жойгача олиб бориши керак эди.

Ана шундай хуфёна режа асосида жиноятчилар қора қилмишга қўл уришди. Хайрулло ёнига Алимардонни олиб Шовот туманидаги «Пир» бозорига отланди. Уларнинг олазарак кўзлари «ўлжа» изларкан, ўзларидан сал нарига келиб тўхтаган «Нексия»ни мўлжалга олишди. Машина эгаси қорамол бозорига кириб кетгач, Хайрулло ҳам унинг изидан кузатишга тушди. Вақтдан унумли фойдаланган Алимардон эса машина қулфини бузиб, 2.850.000 сўм пулни ўмарди-да, тезда кўздан ғойиб бўлди...

Дастлабки «иш» кўнгилдагидек амалга ошганидан қувонган талончилар кўп ўтмай яна шундай жирканч ишга қўл уришди. «Ўлжа» излаб кўчада тентираб юрган жиноий гуруҳнинг диққатини банк олдида турган оқ «Нексия» ўзига тортди. Имо-ишоралар билан ҳамма ўз «жой»ини эгаллади. Кўп ўтмасдан ўғрилар 2.300.000 сўмни халтага жойлаб, жуфтакни ростлашди.

Талончилар гуруҳи бир неча кундан сўнг Ҳазорасп туманида пайдо бўлди. Мол бозори олдида турган «Нексия»даги 3.250.000 сўм пул ҳам худди шундай йўл билан гумдон қилинди.

Албатта, бу ҳали ҳаммаси эмасди. Шу кунгача ўғрилар анчагина машинанинг қулфини бузишга улгуришган эди.

Ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлини танлаган мамлакатимизда ҳозирги кунда фуқаролик жамиятини барпо этиш, демократияни ривожлантириш ва такомиллаштириш, тараққиётга эришиш учун барча зарур ҳуқуқий асослар яратилмоқда.

Конституциямизнинг 2-моддасида давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул эканлиги ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаб қўйилган.

Huquqiy ma`rifat

Бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари

ҳамда уларни фуқаролик процессида ҳимоя қилиш

Айтиш керакки, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда давлат органлари зиммасига юклатилган конституциявий вазифаларни амалга оширишнинг муҳим усулларидан бири судда бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб иштирок этишдир. Шунинг учун ҳам бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органларининг фуқаролик процессида иштирок этишини демократиянинг муҳим кўриниши, деб баҳолаш мумкин.



Қолаверса, судларда иштирок этиш орқали давлат бошқаруви идоралари ва бошқа ташкилотлар амалда қонунларнинг ижросини таъминлашга хизмат қилади. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви идораларининг фуқаролик процессида иштирок этишининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, ушбу идоралар ўз иштироклари орқали ҳал қилув қарорларининг чиқарилишида судларга кўмаклашадилар.

Айтиш керакки, амалдаги қонунларимизда айрим тоифадаги фуқаролик ишларини судда кўриб ҳал этишда, албатта, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви идораларининг иштироки мажбурий эканлиги қайд этилган. Шунингдек, Олий суд Пленумининг бир қатор қарорларида мазкур идораларнинг фуқаролик процессида иштирокининг аҳамияти ва низоли ишларнинг судлар томонидан кўриб ҳал этилишида уларнинг иштироки юзасидан тушунтиришлар бериб ўтилган. Хусусан, Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги **«Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»**ги қарорининг 41-бандига кўра, тарафларга ярашиши учун муҳлат беришда ҳам, шунингдек, ишни мазмунан кўришда ҳам, оилани сақлаб қолиш манфаати учун эҳтиёж юзага келса, зарур ҳолларда, жамоат вакилларини ишга жалб қилиш судларга тавсия қилинади. Бундан ташқари, Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги **«Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»**ги қарорининг 5-бандига кўра, агар ота-онанинг ҳам, бола ихтиёрларида бўлган шахсларнинг ҳам уни тегишлича тарбиялашни таъминлай олмасликлари аниқланса, суд васийлик ва ҳомийлик идораларининг ёки прокурорнинг даъвосига асосан болани васийлик ва ҳомийлик идораларининг қарамоғига олиб бериши лозим.

Таъкидлаш керакки, болалар тўғрисидаги масаланинг ҳал қилиниши билан боғлиқ фуқаролик иши юзасидан васийлик ва ҳомийлик идораларининг процессга киришишларидан кўзланган асосий мақсади — судга ишнинг тўғри ва тўла ҳал қилинишида ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш йўли билан болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш бўйича ўз бурчларини бажаришдан иборатдир. Фуқаролик процессига киришишда васийлик идоралари фақатгина боланинг тарбияси тўғрисидаги манфаатларни кўзламасдан, жамоатчилик ва давлат манфаатларини ҳам эътиборда тутади. Шунинг учун ҳам болалар тарбияси билан боғлиқ низоли ишларни судда кўриб ҳал этиш жараёнида судлар, албатта, ишда иштирок этиш учун васийлик ва ҳомийлик идораларини жалб қилиши керак.

Умумий қоидага кўра, эркин ҳуқуқлилик принципига асосан бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларни ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларни ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишлари манфаатдор шахслар — низоли моддий ҳуқуқий муносабат иштирокчилари томонидан қўзғатилади. Бироқ Фуқаролик процессуал кодексининг 48-моддаси қонунда назарда тутилган ҳолларда давлат бошқаруви идоралари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлишлари ҳақида махсус қоидани назарда тутади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 48-моддаси тартибида фуқаролик процессида асосан давлат идоралари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари иштирок этади. Мазкур идоралар қоидага мувофиқ юридик шахс ҳисобланади ва фуқаролик процессида ўзларининг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишлари ҳам мумкин. Ташкилотга нисбатан жисмоний шахслар томонидан етказилган зарарни ундириш ҳақидаги низоли ишлар шулар жумласидандир. Бундай ишларда мазкур идоралар низоли моддий ҳуқуқий муносабат субъектлари сифатида процессда даъвогар, жавобгар, учинчи шахснинг ҳуқуқий ҳолатини эгаллайди.

Бироқ Фуқаролик процессуал кодексининг 48-моддасида мувофиқ, фуқаролик процессида мазкур шахслар бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун иштирок этишларига йўл қўйилади. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви идоралари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг фуқаролик процессида иштирок этиши, энг аввало, жамият манфаатларини ҳимоя қилишни назарда тутади. Мазкур идораларнинг фуқаролик процессидаги иштироки кўп жиҳатдан уларнинг бошқарувнинг муайян соҳасидаги ваколатлари билан боғлиқ ҳисобланади.

Қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолларда фуқаролик процессида бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун даъво тақдим этиш йўли билан жамоат ташкилотлари, шунингдек, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг вакиллари ва айрим фуқаролар ҳам иштирок этиши мумкин. Бирон-бир фуқаронинг спиртли ичимликлар ёки наркотик моддаларни исътемол қилиши туфайли муомала лаёқатини чеклаш тўғрисида ёки руҳий касаллиги ёхуд ақли заифлиги сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилиши тўғрисидаги фуқаролик иши унинг оила аъзолари аризаси бўйича касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотларининг, даволаш муассасасининг аризаси бўйича судда васий, ҳомий идораларининг вакиллари иштирокида кўриб ҳал этилади.

Меҳнатга оид ишларни судда кўришда ходимларга ишлаб чиқаришда етказилган зарарларни ундириш ва бахтсиз ҳодисанинг рўй бериш сабаблари тўғрисида ходимлар вакиллик идораларининг фикр бериши (Фуқаролик процессуал кодексининг 48, 49-моддалари, Меҳнат кодексининг 259-моддаси) кўрсатилган.

Меҳнат низоларини кўриш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар қаторида Меҳнат ҳуқуқи бўйича инспекторлар ҳам эътироф этиладилар (Меҳнат кодексининг 268-моддаси). Меҳнат ҳуқуқи инспекциясининг фаолияти ва унинг ваколатлари Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 29 июлдаги 378-сонли қарори билан тасдиқланган **«Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси тўғрисида»**ги Низом ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сонли қарори билан тасдиқланган **«Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш қоидалари»**га асосан тартибга солинади.

Хулоса сифатида шуни айтиш керакки, фуқаролик процессида бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи институтларнинг мавжудлиги ўзини ижтимоий жиҳатдан тўлиқ оқлайди ва Конституциямизнинг 44-моддасида мустаҳкамланган ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат идораларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқининг амалга оширилишини кафолатлашга хизмат қилади.

Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,
юридик фанлари доктори

Burch va majburiyat

Ота-оналик — масъулияти

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бу саволга жавоб тариқасида шуни айтиш керакки, Оила кодексининг 79-моддасига кўра, кимки ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан, жумладан, алимент тўлашдан бўйин товласа, узрсиз сабабларга кўра, ўз боласини туғруқхона ёки бошқа даволаш, тарбиялаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш сингари муассасалардан олишдан бош тортса, ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, масалан, жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса, ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка ружу қўйган бўлса, ўз болаларининг ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилади.

Шу ўринда мисолларга эътибор қаратадиган бўлсак, Наргиза Аҳмедова судга мурожаат этиб, Баҳром Сулаймоновни 1993 йилда туғилган қизи Сайёра Сулаймоновага нисбатан оталик ҳуқуқидан маҳрум қилишни сўраган.

Суд ишни кўриш жараёнида қуйидагиларни аниқлади: вояга етмаган Сайёра Сулаймонова даъвогарнинг набираси, у туғилганидан сўнг онаси руҳий касалликка чалинган, отаси эса қизидан мутлақо хабар олмай қўйган. Ҳатто фарзандининг таъминоти учун суд томонидан белгиланган алиментдан 5 йилу 10 ойга қарздор, яъни Б.Сулаймонов алимент ундириш ҳақидаги қарорга мувофиқ ўтган давр учун атиги 60.000 сўм алимент тўлаб, кейинги даврлар учун алимент тўлашдан бош тортган. Суд даъвони қаноатлантириб, жавобгарни оталик ҳуқуқидан маҳрум қилди.

Афсуски, ҳаётда ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилаётган кимсалар ҳам учраб туради.

Фарғона шаҳар прокурорининг судга киритган даъво аризасида Ж.Камоловни оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш сўралган. Судда аниқланган ҳолатларга кўра, жавобгар Ж.Камолов кўп йиллар давомида гиёҳванд моддалар истеъмол қилиб, вояга етмаган фарзандини гиёҳванд моддаларни сотиб олиб келишга жалб қилган. Суд бу ҳолатнинг келгусида болаларнинг таълим-тарбиясига жиддий салбий таъсир кўрсатишини назарда тутиб, Ж.Камоловни оталик ҳуқуқидан маҳрум этди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, суд қарорига кўра, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ота-она қариндошчиликка асосланган бошқа ҳуқуқларидан ҳам маҳрум бўлади. Бунда болалар ўзларига тегишли ҳуқуқ ва манфаатларнинг ҳимоя қилиниши ҳамда амалга оширилишини тегишли тартибда сақлаб қоладилар. Айни пайтда, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ота-оталарнинг ноқонуний ҳаракати қайси вояга етмаган болага нисбатан содир қилинган бўлса, фақат шу болага тааллуқли бўлади.

Оилавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишдан кўзланган мақсад — оила мустаҳкамлигини таъминлаш, оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч, ҳурмат ва ҳамжиҳатлик асосида қуришдан иборатдир. Юртимизда ёш авлоднинг саломатлигини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болаларнинг жисмоний ва маънавий камолоти учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳам айни шу мақсадга хизмат қилади.

Зоҳид ҲОМИДОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилояти суди раиси

Fuqarolik qonunchiligi

Қарз шартномаси

унинг ҳуқуқий асослари нималардан иборат?

Аввало, шуни қайд этиш жоизки, фуқаролар ўртасидаги қарз шартномалари Фуқаролик кодексининг 41-боби билан тартибга солинади. Қарз шартномасига асосан бир тараф иккинчи тарафга пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради. Қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни қайтариб бериш мажбуриятини олади.

Қарз шартномаси пул ёки ашёлар топширилган пайтдан вужудга келади. Қарз шартномасининг субъектлари, албатта, муомала лаёқатига эга бўлади.

Фуқаролар ўртасида қарз шартномаси, агар қарз суммаси энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлса, оддий ёзма шаклда тузилиши керак. Шартномадаги тарафлардан бири юридик шахс бўлганда, суммасидан қатъий назар, ёзма шаклда тузилиши шарт.

Шу билан бирга қарз олувчининг тилхати ёки унга қарз берувчи томонидан муайян нарса ёки бошқа ашёлар топширилганлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат мавжуд бўлса, қарз шартномаси ёзма шаклда тузилган деб ҳисобланади.

Қонунда ёки қарз шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз берувчи қарз олувчидан қарз суммасига шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда фоиз олиш ҳуқуқига эга бўлади. **Қарз олувчи олган қарз суммасини қарз шартномасида назарда тутилган муддатларда ва тартибда қарз берувчига қайтариши шарт.**

Қарз суммасини қайтариш муддати шартномада белгиланган бўлмаса, қарз берувчи қарзни қайтаришни талаб қилган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида қайтариши керак.

Қарз олувчи пул ёки бошқа ашёларни қарз берувчидан амалда олмаганлигини ёки шартномада кўрсатилганидан кам миқдорда олганлигини исбот қилиб, қарз шартномаси юзасидан даъволашишга ҳақли. **Ёзма шаклда тузилиши лозим бўлган қарз шартномаси юзасидан гувоҳларнинг кўрсатмалари ёрдамида даъволашиш мумкин эмас.**

Ҳозирги кунда қарз шартномаси ҳаётимизда муҳим ўрин тутади. Буни фуқаролик ишлари бўйича судларда ушбу тоифадаги ишлар кўпайганидан ҳам билиш мумкин. Мисол учун фуқаро С.Есенкулов С.Даулетовга нисбатан мол-мулк қийматини ундириш тўғрисида судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Судда аниқланишича, жавобгар С.Даулетов даъвогар С.Есенкуловдан тилхат асосида 540 дона қоракўл терисини олган. Тилхатга асосан у қоракўл теріларини ўз ҳолатида қайтариб бериши лозим эди. Аммо жавобгар ўз мажбуриятини бажармаган. Шу сабабли суд қоракўл терининг бозор нархидан келиб чиққан ҳолда даъвогар фойдасига 3,5 миллион сўм ундириш ҳақида қарор чиқарди.

Хулоса қилиб айтганда, қарз муносабатлари масъулият талаб этади. Қонунларга итоат этган, масъулиятни чуқур англаб, қарзини тўлаш билан зиммасидаги мажбуриятларини адо этаётган кишининг юзи ҳамиша ёруғ бўлади.

Ғ.ДАВЛАТОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Зарафшон туманлараро суди судьяси

Maslahat

Истеъмолчи ҳуқуқи

у қонун билан кафолатланган

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 14-моддасига мувофиқ, истеъмолчи товарнинг ишлаб чиқаришига, тузилишига, таркибига доир камчиликларни ёки бошқа нуқсонларни аниқлаган тақдирда сотувчи (ишлаб чиқарувчи) уни айнан шундай маркали (моделли, артикулли) товарга етти кунлик муддатда, товар сифатини қўшимча равишда текшириш зарар бўлганида эса, истеъмолчи талаб қўйган пайтдан эътиборан йигирма кун ичида алмаштириб бериши шарт.

Айнан шундай маркали (моделли, артикулли) товар бўлмаган тақдирда, истеъмолчининг алмаштириб бериш хусусидаги талаби даъво қилинган пайтдан эътиборан бир ой ичида қондирилиши керак. Товарлар вақти-вақти билан олиб бориладиган жойларда истеъмолчиларнинг бундай талаби, ушбу жойларга навбатдаги товар етказиб бериш учун кетадиган муддат ичида, лекин икки ойдан кечиктирмай қондирилиши лозим.

Ана шу муддатларни ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сотувчи (ишлаб чиқарувчи) истеъмолчига алмаштирилган товарни бериш билан бир вақтда товар баҳосининг бир фоизи миқдорида неустойка (пеня) тўлайди.

Истеъмолчининг розилиги билан сотувчи нуқсонли товарни бошқа маркали (моделли, артикулли) шундай товарга алмаштириб бериб, харид нархини тегишинча, қайта ҳисоб-китоб қилиши шарт.

ўзгага буюрмайди

Ўғрилар ўмарилган пулга Урганч шаҳридан «Эсперо» русумли машина харид қилишгач, жиноятга яна бошлари билан шўнғиб кетишди.

Хайрулло Толиб ва Муҳиддин билан шаҳар кезаркан, яна бир «Нексия»га диққатини қаратди. Улар кун бўйи сездирмай «Нексия»нинг ортидан эргашиб юришди. Кечга яқин «Нексия» шаҳар четидаги масжид ёнида тўхтаб, эгаси ичкарига кириб кетди.

Толиб ҳам худди намоз ўқимоқчидай масжидга кирди-да, намозхонлар ибодатга турган маҳал шерикларига хабар берди...

Хайрулло шошиб ишга киришди. Қарангки, ўғрилар ҳаммасига улгуришди. «Нексия» юкхонасидаги жами 51.600.000 сўмлик «МТС», «Билайн» уяли алоқа компаниялари тўлов карталари ва «UZ NET» интернет тўлов карточкалари ҳамда 4.600.000 сўм бир зумда гумдон қилинди.

Орадан кўп ўтмай уюшган жиноий гуруҳ яна Ҳазораспда пайдо бўлди. Машина тўхташ жойида турган «Нексия»нинг эгаси иш билан чалғиганидан фойдаланган ўғрилар машинадаги пулларни саранжомлашди. Хуллас, бу гал 9.000.000 сўм гумдон қилинди.

Шу тариқа уюшган жиноий гуруҳнинг қора қилмиши тобора ортиб борарди. Аввал «ўлжа» аниқланар, етарлича кузатувдан сўнг ишга киришилар ва машина бир зумда шип-шийдам қилинарди.

Шаҳарда ўғрилик ҳақида турли гап-сўзлар кўпаявергач, жиноий тўда Нукус шаҳрига отланди. Улар Нукусда У.Ибрагимовнинг «Нексия»сидан бир миллион сўм, М.Қурбонбоевнинг машинасидан икки ярим миллион сўм, шунингдек, судда эгаларини аниқлаш имкони бўлмаган иккита оқ «Нексия»дан 1,8 миллион сўм ва 1,3 миллион сўм ҳамда «Матиз» русумли машинадан 300 минг сўмни ўғирлаб кетишди. Тўда аъзолари содир этилаётган жиноятларининг фош этилмаётгандай туюлаётганидан баттар қутуриб борарди.

Аслида бу пайтда бир-бирига уланиб кетган жиноятлар занжири қилни қирқ ёрадиган ички ишлар ходимлари томонидан изчил ўрганилмоқда эди. Пайт келганда турли жойларга тарқаб кетган жиноий гуруҳ аъзолари бирин-кетин қўлга олинди. Олиб борилган суриштирувлар чоғида уларнинг барча кирдикорлари, жумладан, бошқа вилоятларда ҳам ўғирликка қўл уришгани аён бўлди. Оқибатда жиноятчилар қилмишларига яраша жазо олишди.

Бу ҳаётда ҳар қандай қинғир ишнинг қийиғи, албатта, чиқади. Яхшиликни кўзлаб, ҳалол меҳнат қилган одамнинг ризқи мўл бўлади. Аксинча, виждонини иймонга терс тутиб, нафсини тиёлмаганларнинг ҳолига вой. Бу фикрга юқорида баён этилган кимсаларнинг қилмиши мисолида ҳам амин бўлдик. Зотан, нафс ва қабоҳат йўли ҳамиша ҳалокатлидир. Буни унутган адашади.

Кодирберган ЯХШИМУРАТОВ,
жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти суди судьяси
Ҳусан СОБИРОВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Jinoyat va jazo

Ёлғон ваъда

Даврон Тошбоев (исм-шарифлар ўзгартирилган) билан Оқназар Боллиев тузган «режа» у қадар мураккаб эмасди. Дастлаб Даврон нуфузли маҳкамага ишга кираётганига одамларни ишонтиради. Сўнг шунга пул зарур бўлиб қолганини айтиб, таниш-билишларидан ёрдам беришни илтимос қилади. Табиийки, бу гапга ҳаммаям дарров ишонавермайди.

Суд очерки

Шунда «саҳна»га Оқназар чиқади. У Даврон билан телефонда қўнғироқлашиб, «ишга олувчи киши» ролини ўйнаб беради. Қарабсизки...

Шу ўринда «қаҳрамонлар»имизнинг таржимаи ҳолига бирров кўз ташлаш ўринлидир. Д.Тошбоев 1968 йил Самарқанд шаҳрида туғилган, олий маълумотли, муқаддам судланмаган, оилали. О.Боллиев эса ундан тўрт ёш катта, оилали, олий маълумот эгаси, муқаддам икки бор Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми билан айбланиб, жазога тортилган.

...Даврон ишни туғилиб ўсган қишлоғидан бошлади. Дастлаб у Назар Қодировнинг олдига борди-да, ўзининг ишга кираётганини айтиб, бундан кейин ишлари беш бўлиб кетиши, ўшанда ҳамма таниш-билишларига ёрдам бериши ҳақида тўлиб-тошиб сўзлади. Гапининг охирида шундай деди:

(Давоми тўртинчи бетда)

Munavvar lahzalar

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси,
Давлат мукофоти лауреати

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)

Аввалги гурунгларимизда инглиз олими Жозеф Уайт томонидан 1783 йилда Оксфордда амалга оширилган «Темур тузуклари»нинг форсча матнидан француз олими Л.Ланглэнинг француз тилига ўтиргани ҳақида ёзган эдик. Табиийки, «Тузуклар»га қизиқиш шу билан чекланмаган, аксинча, тобора ортиб борди. Энди «Темур тузуклари»нинг русча нашрлари тарихига назар ташлашга ҳаракат қиламиз.

«Темур тузуклари»ни русчага таржима қилишдаги дастлабки тажриба XIX асрнинг охирларида Тошкентда амалга оширилган эди. 1892 йилда А.Ф.Проневский раҳбарлиги остида Тошкент хотин-қизлар гимназияси ўқитувчилари А. Г. Заянчаковская билан С. А. Пятницкаялар «Темур тузуклари»нинг биринчи китобини, эркаклар гимназияси толиблари Д.Ройтман билан В.Степановлар эса иккинчи китобини юқорида зикр этилган Л.Ланглэ таржимасидан, яъни француз тилидан рус тилига ўгирадилар. Таржима 1894 йилда Қозонда босилиб чиқади. Муҳаррир ва ношир Н.П.Остроумов бу нашрдан кўнгли тўлмай, ўшанда: «Албатта, бу асарни тўғридан тўғри таржима қилинсаку айни муддао бўларди, бироқ энди бу келажакнинг иши бўлиб қолади...» (Уложение Темура. Т., 1999. Стр.20) деб ёзганди.

«Темур тузуклари»нинг мазкур таржимаси 1992 йилда «Чўлпон» нашриётида учинчи марта чоп этилди. Адади ўттиз мингни ташкил қилган бу китоб тез кунда ўқувчилар орасида тарқалиб кетди. Нашриёт изоҳида бундай ёзилган: «Ушбу китоб французчадан рус тилига таржима қилинганлигини эътиборга олиб (асли туркийда ёзилган, ундан форс тилига таржима қилинган) нашрга тайёрлашда факсимиле матни Б.Аҳмедов томонидан қиёсан кўриб чиқилди ва матн, изоҳларга лозим топилган айрим тузатишлар киритилди, жанг вақтидаги қўшинлар сафи чизмалари ҳавола этилди» (Уложение Темура. Т., 1992. Стр.6).

Ушбу нашрни амалга оширишга киришар экан, академик Бўрибой Аҳмедов, унинг таржимонлари оддий гимназия ўқитувчиси ва талабалари эканлигини таъкидлайди, таржима «ўқишдан бўш вақтларида бажарилган. Демак, унинг талаб даражасида бажарилгани ҳақида гап бўлиши мумкин эмас» (Темур тузуклари. Т., 1997., 6-бет) деган хулоса чиқаради. Чиндан ҳам, асар мутахассис бўлмаган, тарихга қизиқувчилар тарафидан амалга оширилгани кўриниб турарди. Аввало, биринчи-иккинчи китобларнинг ўрни алмаштириб берилган, «тузук» «устав» (низом), «кенгаш» «постановление» (фармойиш) деб ўгирилган. Матндан айрим боблар тушиб қолганлиги ҳам сезилади. Киши исмлари, жой номлари, турли истилоҳлар таржималари эътироз уйғотади. Масалан, Менгли Буға (Мангали Бугха деб ёзилган), Жаҳонгир (Джиганкир), Гармсир (Кермессир), Улжайту Опардий (Алжету Берди) ва ҳоказо. Шунга қарамай, бу нашр «Темур тузуклари»ни рус ўқувчиларига таништиришни бошлаб берган илк нашр сифатида аҳамиятга эга.

1999 йилда «Тузуклар»нинг рус тилидаги тамомила янги таржимаси дунёга келди. Уни форсча матнидан шарқшунос олим Ҳамидулла Кароматов амалга оширди. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп қилинган ушбу нашрнинг диққатга сазовор жиҳатларидан бири, унда русча таржиманинг Абу Толиб ал-Ҳусайний форсча таржима нусхаси билан бир муқовада босиб чиқарилиши бўлди.

Таржимон ўз вазифасига жиддий ёндашган, атамалар, жой номлари, тарихий тушунчаларни рус ўқувчисига етказишда анча муваффақиятга эришган. Академик Бўрибой Аҳмедов рус ўқувчилари учун кенг ва батафсил маълумотлар берадиган изоҳлар ҳавола этган. Олимнинг сўз боши сифатида берилган «Об «Уложении Темура» («Темур тузуклари» ҳақида») мақоласида ушбу нодир ёдгорликнинг тарихи, ғаройиб тақдири ҳақида сўз юритилади, у ҳақдаги турлича фикр-мулоҳазаларга муносабат билдириб ўтилади.

(Давоми бор)

14-fevral — Zahiriddin Muhammad Bobur tug`ilgan kun

Довруғи дунё кезаётган сиймо

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ҳазрат Бобур ҳаётида оғир синовли, қайғули ва қувончли кунлар кўп бўлди. Шоир ҳар қандай шароитда ҳам имон мустаҳкамлигига, руҳий баркамолликка доғ туширмай яшади. Унинг ана шундай бой ички дунёси шеърларида гўзал ташбеҳлар орқали бадиий ифодасини топди.

Шоир:

«Ҳар вақтки кўргайсен менинг сўзимни,
Сўзимни ўқиб англагайсен ўзимни»

деганида келажак авлодларни ўз асарларини теран англашга ундаган бўлса, ажаб эмас.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлолимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб миллий ўзлигимизни англаш, бебаҳо меросимизни тиклаш, буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг ижодий меросини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда.

Шу кунларда улуғ шоир ва саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 527 йиллиги кенг нишонланаётгани ҳам буни яққол исботлаб турибди.

Бобур номидаги халқаро жамғарма аллома ҳаёти ва ижодини мукаммал ўрганишда бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Жамғарма ташаббуси билан Бобур ва бобурийларнинг бебаҳо маданий мероси, уларга оид қимматли манбаларни ўрганиш, бобурийлар сулоласи тарихи ва маданияти ҳақидаги қимматли илмий ва бадиий асарларни юртимизга олиб келиш бўйича салмоқли ишлар бажарилди.

Мазкур жамғарма мутахассисларининг маълумотига кўра, хорижий мамлакатларга уюштирилган ўндан ортиқ илмий экспедициялар натижасида жамғарма ҳузуридаги «Бобур ва жаҳон маданияти» музейида 300 га яқин нодир қўлёзма асарларни тўплашга эришилди. Улар орасида «Бобурнома»нинг испан тилидаги таржимаси, бу мумтоз асарнинг Ҳайдаробод нусхасининг фотофаксимел нашри алоҳида ўрин эгаллайди. Шу ўринда Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганиш тарихи узоқ замонларга бориб тақалишини, бу йўналишдаги илмий изланишлар дунёнинг турли мамлакатлари мутахассислари диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келганини таъкидлаш жоиз.

Мутахассисларнинг маълумотига кўра, бундан қарийб уч аср муқаддам француз шарқшуноси Бартоламе Эрбало Моленли «Шарқ кутубхонаси» қомусида Бобур тўғрисида илк бор француз китобхонларига маълумот берган эди.

1705 йилда эса «Бобурнома» Европа тилларидан биринчи бўлиб голланд тилига таржима этилади. 1871 йил олим Паве де Куртейл томонидан француз тилига ўгирилган «Бобурнома» таржимаси илм аҳлига манзур бўлди. Чунки бу таржима асл нусхасидан таржима қилинган ва мукаммаллиги жиҳатидан бошқа манбалардан ажралиб турар эди. Шу боис бу нашр Францияда катта шуҳрат топди ва китобхонларнинг ҳурматини қозонди.

Бобуршуносликни ривожлантиришга инглиз шарқшунослари ҳам катта улуш қўшган. Инглиз олимларининг бу йўналишдаги изланишлари туфайли 1826 йилда «Бобурнома»нинг Европадаги биринчи тўлиқ таржимаси дунё юзини кўрди. Инглиз олими Ф. Тэлбот ҳам «Бобурнома»нинг биринчи инглизча таржимаси асосида қисқартирилган нашрини чоп эттирди. Олим мазкур нашрга ёзган сўзбошисида «Бобурнома»нинг аҳамияти ҳақида шундай дейди: **«Ҳозирги Ҳиндистонни ўрганмоқчи бўлган одам ишни, энг яхшиси, Бобур хотираларини ўрганишдан бошлагани маъқул»**.

Бобур меросини ўрганишга бугунги кунда ҳам эътибор ортиб бормоқда. Сўнгги йилларда хорижий мамлакатларда бобуршунослик соҳасида амалга оширилган ишлар қаторида «Бобурнома»нинг хитой ва турк тилларида нашр этилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мамлакатимиз ва чет элларда Бобурнинг бой мероси бўйича қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда, ўлмас асарлари ва у ҳақдаги китоблар чоп этилмоқда. Бундан икки йил аввал Андижон шаҳрида бўлиб ўтган «Бобур ва бобурийларнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни» мавзуидаги халқаро конференция ҳам буни яққол исботлади.

Қамчибек Кенжанинг «Андижондан Бағдодгача» сафарномаси ҳам бугунги бобуршуносликда муҳим изланишлардан бири ҳисобланади. Жамғарма ташаббуси билан ўзбек олимлари ва рассомларининг ижодий изланишлари самараси ўлароқ, «Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган темурийлар шажараси» тайёрланди. Унда 30 дан ортиқ темурий ҳукмдорнинг сурати, ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар замонавий дизайн асосида тақдим этилган. Шунингдек, кейинги йилларда нашрдан чиққан «Бобурнома» учун қисқа изоҳли луғат» китоби ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Бобур Мирзо қаламига мансуб «Мусиқа сирлари», «Ҳарб иши» асарлари, шунингдек, «Бобурнома»нинг йўқолган баъзи қисмлари ҳозирга қадар топилмаган. Уларни ва шу мавзуга доир бошқа ноёб қўлёзмаларни топиш, юртимизга олиб келиш ва ўрганиш Бобур халқаро экспедициясининг муҳим ва долзарб вазифаларидандир.

Заҳириддин Муҳамад Бобур халқимизнинг фахру ифтихоридир. Бу улуғ зотнинг ижоди, ҳаёти ва фаолияти халқимиз, айниқса, ёш авлод учун ҳамиша ибрат мактаби бўлиб қолаверади.

Баҳор ХИДИРОВА,
журналист

Мафтункор қиш

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Бир танишим турмуш ўртоғи билан ажрашиб, никоҳи бекор қилинганда улар ўртасида мол-мулкни бўлиш билан боғлиқ гап келиб чиқди. Айтинг-чи, қонунчиликда эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлишга доир қандай тартиблар белгиланган?

Р. ИСМОИЛОВА,
Тошкент шаҳри



— Оила кодексининг 28-моддасига асосан, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлишда ҳамда уларнинг шу мол-мулкдаги улушларини аниқлашда, агар эр ва хотин ўртасидаги никоҳ шартномасида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, эр ва хотиннинг улушлари тенг деб ҳисобланади. Суд вояга етмаган болалар манфаатларидан ва (ёки) эр ва хотиндан бирининг эътиборга лойиқ манфаатини ҳисобга олиб, жумладан, агар эр ёки хотин узрсиз сабабларга кўра даромад олмаган бўлса ёхуд эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини оила манфаатларига зарар етказган ҳолда сарфлаган бўлса, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушлари тенглигидан чекинишга ҳақлидир. Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлишда эр ва хотиннинг умумий қарзлари уларга белгиланган улушларга мутаносиб равишда ҳар иккаласи ўртасида тақсимланади.

Агар эр ва хотиндан бири умумий мол-мулкни эр ёки хотиннинг эркига зид равишда ва оила манфаатига мос бўлмаган ҳолда ўз хоҳишига кўра сарфлаган ёки бошқа шахсга ўтказган бўлса, уни бўлишда бу мол-мулк ёки унинг қиймати ҳисобга олинади.

— Яқинда бошқа шаҳарга ишга ўтдим. Қатнаб ишлашнинг имкони йўқ. У ерда уйим бўлмагани учун оилам билан ижарада турмоқчимиз. Айтинг-чи, тураржойнинг ижара шартномаси қанча муддатга тузилади?

Т. ШЕРБЕКОВ,
Деҳқонобод тумани



— Уй-жой кодексининг 36- моддасига мувофиқ, муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги тураржойни ижарага бериш шартномаси беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тузилади. Агар шартномада муддат кўрсатилмаган бўлса, у беш йилга тузилган деб ҳисобланади.

Бир йилгача муддатга тузилган тураржойни ижарага бериш (қисқа муддатли ижара) шартномасига нисбатан Фуқаролик кодекси қоидалари қўлланилади.

Янги муддатга шартнома тузишда ижарага олувчи имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади.

Ижарага берувчи томонидан эътироз бўлмаган тақдирда, ижарага олувчи шартнома муддати тугаганидан кейин ҳам тураржойдан фойдаланишни давом эттирса, шартнома аввалги шартларда қайта тузилган деб ҳисобланади.

Давлат уй-жой фондидан ижарага берувчи, агар тураржойни ижарага бермасликка қарор қилган бўлса, бу ҳақда ижарага олувчини камида бир йил олдин хабардор этиб, янги муддатга шартнома тузишдан воз кечиши мумкин, аниқ мақсадли коммунал уй-жой фонди бундан мустасно.

Саволларга юридик фанлари номзоди Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.

Jinoyat va jazo

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

— Биласан, жўра, текинга мушук офтобга чиқмайди. Мени ишга олаётган киши унча-мунча одам эмас, унга берадиган совғам ҳам шунга яраша бўлиши керак, дейман-да. Шундай кунда ёрдам берган кишидан умрбод миннатдор бўламан.

Даврон шу қадар таъсирли сўзлардики, охир-оқибат Назар ҳамқишлоғига 1500 АҚШ долларини қандай қилиб бериб юборганини билмай қолди.

Фирибгарларнинг навбатдаги «нишон»и қўшни қишлоқлик Тожибой Содиқов бўлди. Тожибой ака бироз пул жамғариб, машина сотиб олишни ният қилиб юрганди. Даврон келиб худди Назарга ўқиган «эртаги»ни такрорлади. Тожибой акани ишонтириш учун тилхат ҳам ёзиб берди-да, нақ 4.350.000 сўм ва 450 АҚШ долларини чўнтакка уриб, кўздан ғойиб бўлди. Аммо кутилган бир ҳафта ўтса ҳамки, ундан дарак бўлавермагач, Тожибой ака асабийлашган кўйи қўнғироқ қилди.

— Сен нималар деб ваъда бергандинг? Ахир, машина олмоқчиман, деб айтгандим-ку! — Тожибой аканинг фиғонидан дуд чиқарди.

— Ака, мен сизга сўз бердимми, албатта, устидан чиқаман, — деди Даврон бамайлихотир. — Сиз бемалол машинани савдолашиб тураверинг, мен пулни олиб бораман.

Орадан яна бир ойдан кўпроқ вақт ўтгач, Тожибой ака фирибгарга йўлиққанини англади-да, уни излашга тушди. У Даврон билан учрашганда эса «чув» тушган биргина ўзи эмаслигини билди. Даврон «пулларингизни қайтариб бераман», деганига ишониб у айтган жойга — Тошкентга келган Тожибой ака 1750 АҚШ доллари берган Т.Комилов ва С.Комиловани, 1 000 000 сўм ва 850 АҚШ доллари берган А. Бўриевни, 700 АҚШ доллари берган Х.Солиевни, 500 АҚШ доллари берган Р.Латифовни учратиб, ҳанг-манг бўлиб қолди.

Бироқ фирибгар ҳамон сир бой бермас, унинг қўллари кўксида, ҳамон тилидан бол томарди. Қарз берганлар ўзига шубҳа билан боқаётганини кўрган Даврон «қалтис» ишга қўл урди — жабрдийдаларни шахсан акахони билан учраштирди. Ўзини сипо тутган Оқназар эса раҳбар «рол»ини қойилмақом қилиб ўйнади. У қарз берганларга «Даврон пулларингизни еб кетмайди, мен бунга кафилман, агар у қарзларини узмаса, мана бу калит олтмиш минг доллар турадиган уйники (у азза-базза чўнтагидан калит чиқариб кўрсатди), шуни сизларга топшираман», — деди.

Пўрим кийинган Оқназарнинг гапларига дастлаб жабрланганлар ишонишди. Аммо ҳадеганда берилган ваъданинг ижросидан дарак бўлавермагач, сабр косаси тўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага мурожаат қилишди...

Суд ҳукми билан Д.Тошбоев Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисмининг «а», «б», «в» бандлари, шунингдек, 28-моддаси, 211-моддаси 2-қисмининг «а» ва «б» бандларида кўрсатилган жиноятларни содир этганликда айбланди. Такрор жиноят содир этган О.Боллиев эса Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисмининг «а», «б», «в» бандлари, шунингдек, 28-моддаси, 211-моддаси 2-қисмининг «а» ва «б» бандларида кўрсатилган жиноятларни содир этганликда айбланиб, тўрт йилу олти ой муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинди.

Ҳар ким экканини ўради, бировларни алдаб топган пул ўзгага ҳам буюрмайди. Аммо сўзимиз аввалида айтганимиздек, фирибгарлар ишончни, соддалик, оққўнгиллиликни суиистеъмол қилдилар. Шундай экан, сергаклик, зийраклик фирибгар кимсаларнинг тузоғига тушиб қолишдан асрашини яна бир бор таъкидлаб ўтишни истардик.

Шуҳрат БАКАЕВ,
жиноят ишлари бўйича
Мирзо Улуғбек тумани
суди судьяси
Отабек САФАРОВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилояти Шовот туманлараро судининг судьяси Мўминжон Матюсуповга отаси

Гулмирза МАТЮСУПОВнинг

вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

КУЧ—АДОЛАТДА

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 030 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Бўритош МУСТАФАЕВ, Олимжон ИСМАИЛОВ, Шерали РАҲМОНОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Нуриддинжон ИСМОИЛОВ, Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Муҳаммад АЛИ, Омонбой ОҚЮЛОВ, Холмўмин ЁДГОРОВ, Дилбар СУЮНОВА, Масардин ҲАСАНОВ, Юлчибой ТУРСУНБОЕВ, Шоюнус ҒОЗИЕВ, Баҳриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Алибек ЭРГАШЕВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.

Тел.: 239-02-54, 239-02-55

Буюртма Г-118. Қоғоз бичими А-2. Сотувда эркин нархда. Адади: 9000. 2 3 4 5 Топширилди: 22⁰⁰